Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 10-may, shanba № 58 (3407)

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади.

Ислом КАРИМОВ

ТИНЧЛИК ВА АҲИЛЛИК – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИДИР

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўътабардир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай инсонпарвар тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиладиган, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу маросимдир.

Бундай кунларда бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жанггоҳлардан омон қайтган ота-боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармонга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун барча ватандошларимиз, бутун халқимиз Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган улуғ айёмни, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Шу кунларда барчамиз ўз инсоний бурчимизни адо этиб, бугунги тинч ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимиз учун жанг майдонларида жон бериб урушдан қайтмаганларни эслаймиз, уларнинг арвоҳларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, барчамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуроний отаҳон ва онаҳоларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдираман ва уларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, бахтли ҳаёт тилайман, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга файз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини, бу ҳаёт ғанимат эканини унутмаслигимиз зарур, десам, барчанинг фикрини ифодалаган бўламан.

Айтиш мумкинки, кишилик тарихидаги энг қонли, энг катта йўқотиш ва мислсиз қурбонларга, эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва офатлар, ғам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бешафқат уруш тугаганидан буён орадан қарийб 70 йил ўтмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўққи, бу машъум урушни эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Ўйлайманки, бу борада баъзи бир рақамларни такрор ва такрор эсимизга олишимиз, болаларимизга, ёш авлодимизга етказиб туриш учун уларни доимо хотирамизда сақлашимиз даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Агар урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи жангларда қатнашган. Ёки ўша пайтдаги халқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлига қурол олиб, жангу жадалларда иштирок этган, қонини тўккан.

Ўша ёвуз урушда 500 мингга яқин юртдошларимиз ҳалок бўлган, қанча одам бедарак кетган, қанча-қанча инсонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан ғалаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унутилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва буни бирортамиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли **Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охирги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган халқимизнинг фидойилиги, бағрикенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айни мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади,** деб таъкидлади Юртбошимиз. Шунинг учун ҳам урушда ҳалок бўлганларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини азим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида **олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйиб, бундан 16 йил олдин 9 май санасига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.**

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унутилмайди.

Президентимиз уруш ҳеч қачон қайтарилмаслиги учун бундай фожиа ва балоларнинг олдини олиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Афсуски, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз.

Айрим жойларда қон тўкилаётгани, низо ва адоватлар авж олаётгани, фашизм деган бало яна бош кўтараётгани, миллатчилик, шовинизм каби хавфли офатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Бугунги кунда ҳар бир инсон албатта бундай ғоят хавфли ҳолатларни, шулар қаторида собиқ иттифоқ ҳудудларида пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни кўриб, кеча яқин дўст бўлганлар эртага ўзаро душманга, ўта хатарли вазият юзага келиб қонли урушга айланиб кетмаслигини истайди.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро ҳуқуқий нормаларда белгилаб, муҳрлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонликка, куч ишлатишга йўл қўймаслиқдир.

Юзага келадиган қарама-қаршиликларни, низоларни фақат сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш лозим, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегаралари дахлсизлигининг бузилишига йўл қўймаслик зарур.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Бутун дунё халқларининг эзгу орзуси, хоҳиш-иродаси битта. У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин, деган талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига тўғри келади. Чунки, ҳеч қайси халқ урушни хоҳламайди. Бизнинг ён қўшнимиз бўлган Афғонистон халқи ҳам, агар ўз ҳолига қўйса, ўзаро келишиб, тинч ҳаёт кечирган бўларди.

Биз қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишини истаймиз. Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни икки томонлама асосда ташкил қилишни маъқул деб биламиз.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, яна бир бор таъкидламоқчиман, деди Ислом Каримов, бизнинг халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Кўпни кўрган халқимиз яхши билади, фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта курашишимиз даркор.

Менинг ишончим комил: орқамизга қараб, холисона баҳо беришимиз зарур. Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Бугунги одамларимиз, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён-атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яққол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Президентимиз.

Содда қилиб айтганда, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонлар билан 90-йиллардаги одамлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Шу ҳақда гапирганда, биз, аввалам-бор, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машаққатли синовларни бошимиздан кечиришга тўғри келмасин, ўзимизнинг ориятли, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик. Ва узоқни кўзлаб олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавф-хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобидан, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ халқимиз борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёти ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз.

Айниқса, ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз, деди Ислом Каримов.

Жорий йилга юртимизда Соғлом бола йили, деб ном берганимиз, ҳеч шубҳасиз, айни шу йўлда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни янги юксак босқичга кўтариши ва улкан натижалар бериши муқаррар.

Мана шундай ниятларимиз бугун рўёбга чиқаётганига яқинда Қорақалпоғистонга борганда катта бир қурилиш – Сурғил газ-кимё комплексида бўлган суҳбатда гувоҳ бўлдим.

Дунёда камдан-кам учрайдиган қиймати қарийб 4 миллиард долларлик ана шу комплексни қуришга Жанубий Кореядан келган, кўп мамлакатларда бўлган мутахассисларнинг ёшларимиз ҳақида ўз таассуротини яширмасдан, балки ғурурланиб гапирганини айтишни жоиз, деб биламан.

Айниқса, кореялик иш бошқарувчи, яъни менежернинг айтган сўзлари эсимда қолди. У биз дунёнинг кўплаб мамлакатларида мана шундай объектларни барпо этишда қатнашганмиз, деди. Лекин, ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зеҳни ўткир, интилувчан ёшларни кўрганимиз йўқ. Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизда қайрат уйғотди, деган гаплари, ўйлайманки, барчамизга мамнуният етказмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ёшларимизни, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чеҳрасига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Оллоҳдан тинчлик, осойишталик беришини, ёмон кўзлардан асрашини сўраймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барча-барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди Президентимиз.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

ЎзА.
ЎзА фотомухбири Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат

Хотира — муқаддас, қадр — абадий

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионатида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

Мустақиллик йилларида диёримизда инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида амалда қадр топиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларга эъзоз кўрсатиш, кексаларни қадрлаш ва ўтганларни хотирлаш, уларнинг эзгу ишларини ёд этиб, эҳтиром кўрсатиш ибратли анъанага айланди.

Мана шундай диёрда кексалик гаштини суриш насиб этганига шукроналар айтамиз.

Байрам арафасида ҳордиқ чиқариб, саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун «Турон» санаторийсига бепул йўлланма берилди. Бу хушманзара ва гўзал масканда яратилган барча шарт-шароитлардан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Юртимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашида ўз ҳаётий тажрибамиз ва ўгитларимиз билан ҳисса қўшиш бахтига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз. Қўлларимиз доимо дуода: Ватанимизнинг мустақиллиги абадий, осмонимиз мусаффолиги боқий бўлсин!

Ватанимиз истиқболи, турмушимиз ободлиги йўлида меҳнат қилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган меҳнат фахрийлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Касаба уюшмалари томонидан шундай фидойи инсонлар хонадонларига ташриф уюштирилиб, совға-саломлар топширилди. Шунингдек, касаба уюшма фаоллари ташкилотчилигида 300 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийларининг буюк аждодлар қадамжоларига, диёримиздаги тарихий шаҳарлар ва мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларга саёҳатлари уюштирилди. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилари оиласидан хабар олиниб, манзилли ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Касаба уюшмалари — фахрийларга

Мазкур йўналишларда амалга оширилаётган эзгу ишларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Касаба уюшмалари — фахрийларга» йиллик акцияси бунинг ёрқин тасдиғидир. Акция доирасида Республикамиз Президентининг 2014 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда, диёримизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 3868 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига касаба уюшмалари томонидан манзилли ёрдам кўрсатилди.

Қутлуғ кун арафасида жаҳон стандартлари асосида капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг илк дам олувчилари ҳам уруш ва меҳнат фахрийлари бўлишди. Хусусан, катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг янгича қиёфа касб этган «Турон», «Оқ тош», «Чортоқ», «Чинобод», «Ботаника», «Бўстон», «Зомин», «Косонсой» каби санаторийларда республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 60 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисининг дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун бепул йўлланмалар топширилди. Барча шарт-шароит яратилиб, ҳар бир фахрийга алоҳида тиббиёт ходимлари бириктирилди. Мазкур сиҳатгоҳларда янгидан барпо этилган маъданли сув галереяси, амфитеатр, фито мажмуа, капитал таъмирдан чиқарилган даволаш мажмуи ва физиотерапия бўлимларида қўли енгил малакали шифокорлар отахону онаҳонларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

— Юртимиз йилдан-йилга обод, турмушимиз янада фаровон бўлиб бормоқда, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 90 ёшни қоралаган Маҳмадамин ота Қуддусов. — Мамлакатимизда кўплаб бунёдкорлик ишларининг амалга оширилаётгани ҳам Ватанимиз салоҳиятидан ёрқин далолатдир. Хонадонларимиз тинч ва обод, набира-ю абираларимиз эмин-эркин ҳаёт оғушида, бу жуда катта саодат.

Биз, фахрийлар учун давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Бахтиёрлик ҳисси

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ҳарбий-таълим муассасалари курсантлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ.Бердиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини қадрлаш, жанглардан омон қайтган ва бугун орамизда ҳаёт бўлганлар, фронт ортида меҳнат қилганларга эҳтиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони фахрийларимизга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир.

— Биз, фахрийлар, фарзандларимиз ва набираларимиз бугунги дориломон кунларда, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган жаннатмонанд юртда яшаётганимиздан бахтлимиз, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухтор Расулов. — Ҳар гал тантанали тадбирларга таклиф этилганимда қалбимни фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун миннатдорлик туйғуси чулғаб олади.

— Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган отаҳонлар билан суҳбатлашиш биз учун ниҳоятда қизиқарли, — дейди Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейи ўқувчиси Наби Бобоев. — Иккинчи жаҳон урушида менинг катта бобом ҳам ҳалок бўлган. Мен бобом билан фахрланаман ва келажакда ҳарбий бўлмоқчиман.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари музейи экспозициялари билан танишди. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли иштирокида концерт намойиш этилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири.
Аҳмад ТЎРА олган сурат

Хотира — муқаддас,
ҚАДР – АБАДИЙ

Ishonch
2014-yil 10-may № 58 (3407)

Касаба уюшмалари — фахрийларга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Айтиш мумкинки, Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионатида ўтказилган тадбир бир умр эсда қоладиган бўлди. Тиббий-ижтимоий муассаса ҳисобланган ушбу масканда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари кўнглини нурафшон қилиш билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши совғалари ҳам етказилди. Таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод эгалари ижросидаги куй ва қўшиқлар даврага файз бағишлади.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, шу жумладан, бир қатор «Саховат» ва «Мурувват» уйларида, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатларида ташкил этилиб, кексалар, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ёлғиз инсонлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

— Жаннатмакон диёримизда кекса авлод вакиллари доимо эъзоз ва эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионати фахрийларидан бири Лейла Алиева. — Биз давлатимизнинг доимий ғамхўрликларидан баҳрамандмиз. Бу масканда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилигимни билдираман. Инсон омили олий қадрият ҳисобланган Ўзбекистонда яшаётганимдан ғоятда бахтиёрман.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва унга аъзо ташкилотлар томонидан тизимли ишлар амалга оширилаяпти. Мазкур йўналишлар касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифалари сифатида белгилаб олиниб, ижтимоий ҳимояталаб ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётига интеграциялашуви таъминланмоқда. Бунинг амалдаги тасдиғи ўлароқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар томонидан 2011-2015 йилларда 13 минг нафардан ортиқ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш тадбирлари белгиланган бўлиб, 2013 йил давомида касаба уюшмалари томонидан 12 минг 779 нафар шу тоифадаги инсонларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 млрд. 711 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Хусусан, ёлғиз кексалар, пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш мақсадида моддий ёрдамлар кўрсатилди. Республикамиздаги «Мурувват» ва «Саховат» уйларига ҳомийлик ёрдамлари берилди. 220 нафар кўзи ожиз қария ва талаба-ўқувчилар махсус аппаратлар, плеер ва ўқув қуроллари билан таъминланди.

Жорий йилда ҳам ушбу эзгу ишлар давом эттирилиб, бугунгача ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, дори-дармонлар билан таъминлаш, коммунал хизматлар харажатларини қоплаш, уй-жойларини таъмирлаш, соғломлаштириш, парвариш кўрсатиш, ҳолларидан хабар олиш ҳамда саёҳатлар уюштириш каби тадбирларга касаба уюшма ташкилотлари томонидан 108,5 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Жисмоний имконияти чекланган инсонларга ижтимоий кўмак тадбирларини амалга ошириш ҳам доимий эътиборда бўлмоқда. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари доирасида охирги йилларда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, кўп болали, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларнинг маданий дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Корхона, ташкилотларда бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳозирда нафақада бўлган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) театр, концерт дастурлари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга жалб этилаётир.

Жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб пенсионер ва ногиронларнинг коммунал-маиший хизматлар тўловларини қоплаб бериш ишлари амалга оширилмоқда. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан тизимда кўп йиллар ишлаб нафақага чиққан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш тадбирлари уларга руҳий кўтаринкилик бахш этаётир.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» йиллик доимий акцияси юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ҳаёт мени кўплаб ажойиб инсонларга дуч қилди. Бунинг учун тақдиримдан чексиз миннатдорман.

ҲАЗРАТИ ИНСОН

1988 йилда Нарпай туман қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш корхонасига ёш мутахассис сифатида ишга келдим. Кўп ўтмай мени касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайлашди. Жамоамиз кўпсонли бўлгани боис, улар манфаатларига доир талаблар ҳам кам эмасди. Маъмурият ҳамкорлигидаги йиғинларимиздан бирида ёш мутахассис ва кўмакка муҳтож ходимлар оилаларини турар жой билан таъминлаш вазифаси белгилаб олинди.

Корхона яқинидан ажратилган майдонда иккита икки қаватли 24 оилага мўлжалланган ва битта тўрт қаватли 32 оилага мўлжалланган турар жой бинолари қурилиши жадал бошлаб юборилди. Гузар кўркамгина кўриниш олгач, унинг ёнида болалар боғчаси ва бошқа маиший хизмат нуқталари ҳам ишга тушди.

Эҳтимол, қурилишга корхонамиз директори ўринбосари Козим Абляметовдек тажрибали, фидойи инсон раҳбарлик қилмаганида, шундай обод ва кўркам гузар вужудга келмаган бўларди. У мазкур турар жойлар фойдаланишга топширилгунга қадар тиним билмади. Ҳозир шу хонадонларда ўзидан кўпайиб, тинч-тотув яшаётган касбдошлар Козим акани чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олишади.

Бахтга қарши, Козим Абляметов ҳаётни эрта тарк этди. Унинг бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди: «Ҳаётга хушманзара дарахтзорга кирган беташвиш томошабин бўлиб эмас, балки сирасрор, орзу-ниятларга тўла оламга тушиб қолгандек, мақсад ва эҳтиром билан одим ташлашимиз лозим».

Бундай инсонлар ёди барҳаёт. Улар яхши ишлари билан орамизда яшайверади.

Қодир АНВАРОВ,
меҳнат фахрийси

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан уруш қатнашчилари ва фахрийларга эҳтиром кўрсатилмоқда.

Вилоятдаги 282 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг хонадонларига бориб, манзилли ёрдам кўрсатилди. Фахрийлар шу тинч ва фаровон ҳаётга шукроналар айтиб, ғамхўрлик учун миннатдорлик билдиришди.

— Бизга юксак эътибор қаратаётган давлатимиз раҳбаридан, қолаверса, жамоат ташкилотларидан чексиз миннатдорман, — дейди Андижон тумани Найман ҚФЙда яшовчи 88 ёшли отахон Турсунбой Умаров. — Фарзандларим, тинчлик улуғ неъмат, унинг қадрига етинглар. Бир муштдай жипслашиб, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асранглар.

Байрам муносабати билан жойларда, мудофаа ташкилотларида, таълим муассасаларида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаяпти.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Навоий вилояти Хатирчи туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб соҳа фахрийлари билан бир пиёла чой устида давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда 51 нафардан зиёд фахрий ҳамда байналмилалчи жангчи ўқитувчилар иштирок этишди.

Фахрийлардан И.Тошев, З.Муродова, байналмилалчи жангчи А.Чўтбоев сўзга чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишлар, фахрийларга кўрсатилаётган эътибор хусусида тўлқинланиб гапиришди. Тадбир сўнгида иштирокчиларга тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Т.ЖЎРАЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси

Қашқадарё вилоятида яшовчи 295 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда мустақиллик йилларида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган 6 нафар мард ўғлонлар оилаларига касаба уюшмаларининг манзилли ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, беш нафар уруш қатнашчиси «Қашқадарё соҳили» санаторийсида дам олдирилади.

— «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида фаолларимиз ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан уруш фахрийлари ҳузурида бўлиб, уларга совға-салом топширишди, — дейди бирлашма кенгаши раис ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Масалан, биз Косон туманилик 19 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси хонадонига касаба уюшма тухфалари билан кириб бордик. Хусусан, тумандаги Сайёд қишлоғида яшовчи Рустам бобо Ҳамдамов уйида бўлганимизда, хонадон меҳмонлар, фарзанду набиралар билан тўлиб-тошганига гувоҳ бўлдик. Отахон бизга уруш хотираларини сўзлаб берди. Берлингача борганини, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз — элимизнинг энг катта бойлиги эканини таъкидлади.

— Доимо тинчлик бўлсин, — дея дуо қилди Деҳқонобод тумани Бошчорбоғ қишлоғида яшовчи уруш фахрийси 93 ёшли Саодат ота Азизов. — Дориламон кунлар туфайли биз, фахрийлар эъзоз-эҳтиромда яшаяпмиз.

— Тинчликни қадрланг, — деди яна бир деҳқонободлик уруш фахрийси 107 ёшли Ибрагим ота Жўраев. — Қонли жангларда қатнашдим. Осуда кунларни жуда соғинардик. Бугунги эътибор ва ғамхўрлик учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Марказгазтаъминот» унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан соҳада хизмат қилаётган Афғон уруши иштирокчиларининг Самарқандга саёҳатини уюштирди.

— Тизимнинг Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах минтақавий бўлинмаларида 42 нафар байналмилалчи жангчи меҳнат қилади, — дейди «Марказгазтъминот» унитар корхонаси касаба уюшма ташкилоти раиси Сафарали Азизов. — Уларга жамоат ташкилоти томонидан тарихий қадамжолар, замонавий мажмуаларни зиёрат қилиш имконияти яратиб берилди.

Ўз мухбиримиз



Инсоннинг энг гўзал фазилатларидан бири меҳр кўрсатишдир. Авлодлар занжирини мустаҳкамлайдиган эъзоз отлиғ ҳалқа ҳар бир замон фарзандининг муқаддас бурчларидан эканлиги ҳам айни ҳақиқат. Бир-бирини қадрлаган инсонлар ҳамиша саховат, оқибат роҳатидан баҳраманддирлар.

Дориламон кунлар шукронаси

Норин туманида анъана тусини олган «Хотира — муқаддас, қадр — абадий» шиори остидаги тадбирлар ёш авлод қалбида ана шундай асрий фазилатларни мустаҳкамламоқда. Ушбу байрам тадбири мезбонлигига муносиблик учун ҳар йили умумтаълим мактаби жамоалари ўртасида қизғин баҳс кечади.

2012 йилда тумандаги 38-мактаб, 2013 йилда 12-мактаб эришган шарафга бу йил 31-мактаб сазовор бўлди.

— Кексалар ташриф буюрган хонадонга файз, қут-барака ёғилиши сир эмас, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Одинахон Ҳакимова. — Шунинг учун ҳам директоримиз Кўпайсин Тошбоева билан ҳамфикрликда нуронийларни таълим масканимизга таклиф этишга аҳд қилдик. Уларнинг панд-насиҳатлари, дуолари нафақат мактабимиз, балки қалбларимизни ҳам нурга тўлдиради.

ХТМФМТ ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 20 нафар фахрий ҳамда айни кунда тизимда меҳнат қилаётган 13 нафар байналмилалчи жангчи ташриф буюрди. Ҳар бир меҳмонга эъзоз ва қадр ифодаси бўлган туҳфалар тақдим этилди.

Тадбир меҳмонларининг бир пиёла чой устида ўқувчиларга айтиб берган ҳикоялари, дориламон кунларнинг бебаҳолиги борасидаги ҳаяжонли фикрлари йўл-йўриқ мақомида қалбларга муҳрланди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Кўплашганда барака кўп

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Файзиобод» маҳалласида турли миллат вакиллари бир оила фарзандидек аҳил ва иноқ бўлиб яшаб келяпти. Яқинда маҳаллада Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир ўтказилди. Катта қозонда баҳор таоми — ҳалим тайёрланиб, эрталабданоқ карнай-сурнай садолари маҳалла аҳлини тадбирга чорлади.

— Айни вақтда маҳалламизда 4611 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Тўхтапўлат Содиқов. — Энг муҳими, бу уларнинг ўзаро оқибатлилигидир. Бугунги тадбирга ҳам бир ёқадан бош чиқариб тайёргарлик кўрилди. Муродбек Худоёров, Рустам Юсупов, Маҳмуд Рўзиев каби фаолларимиз ишбоши бўлишди.

Тадбирда нафақат ўтганлар ёд этилди, балки қариялар ҳолидан ҳам хабар олинди.

— Маҳалламиз ҳудудидаги кам таъминланган учта хонадоннинг бинолари таъмирдан чиқарилади, — дейди маҳалла фаоли Убайдулла Йўлдошев. — Бу ишни кўплашиб бажарамиз. Токи ҳеч кимнинг хонадонидан қувонч аримасин.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Илм-фан юксак тараққиётга эришиб, ахборот, компютер технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда инсоннинг ҳар томонлама билим ва кўникмага эга бўлиши ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис фарзандининг ўзи танлаган касбни пухта ўзлаштиришига, бинобарин, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳар бир ота-она учун энг муҳим вазифалардан бўлса, давлат учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан биридир.

Тест синовларидаги

Айни пайтда мамлакатимизда ҳар бир шахс билим олиш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган. Таълим жараёни эса «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида тартибга солинмоқда. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизга орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариш, ўзи хоҳлаган касб билан шуғулланиш, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаш имконини бераётир.

Шунинг учун навбатдаги ўқув йили ниҳоясига етиши билан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун масъулиятли ва ҳаяжонли дамлар бошланади. Негаки, улар ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бирини қабул қилиши, яъни касб танлаши керак бўлади. Бу йил олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишларига кўплаб янгиликлар киритилди, кириш имтиҳонлари тизимида ҳам айрим ўзгартишлар жорий этилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 30 апрелда қабул қилинган «Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Жаҳонгир ИСМОИЛОВ билан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонлари тизимига киритилган янгиликлар ҳақида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида ўқишга кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича бир хил тизимни жорий этишда етакчилик қилмоқда. Зеро, замонавий илм-фан, таълим ва ахборот технологияларига асосланган ҳолда тест синовлари ёрдамида баҳолаш тизими шахснинг интеллектуал ривожланиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилмоқда. Тест синовлари ўқувчилар билимини баҳолашда субъектив омилларни четлаб ўтиб, мазкур жараёнда кўпроқ холисликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимизда ёшларнинг олий маълумотли бўлишга интилиши йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 2012 йилда олий таълим муассасаларига 432 минг, 2013 йилда 480 минг нафардан зиёд абитуриент ҳужжат топширган.

Замонавий тестология, тест топшириқларини текшириш назариясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг сифатини ошириш 2014 йилда ҳам Давлат тест марказини ривожлантириш борасидаги стратегик вазифадир.

— Айтинг-чи, жорий йилда олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига қандай ўзгартишлар киритилди?

— Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасалари бакалавриатига танлаган мутахассислиги бўйича ўқишга кираётган абитуриентларни тест синовидан ўтказиш сифати ва холислик даражасини ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида шу йил 30 апрелда «Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясининг 2014 йил 1 майда бўлиб ўтган йиғилишида бу борадаги тегишли масалалар муҳокама этилди.

2014-2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Мисол учун, математика бўйича 30 савол, информатика ва ахборот технологиялари бўйича 6 савол киритилди.

Тест синовларига математика фани ҳам киритиладиган 168 таълим йўналишининг 108 таси бўйича имтиҳонларга юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш кутилмоқда. Чунончи, «Математика фанини ўқитиш услуби», «Физика ва астрономия фанини ўқитиш услуби», «Кимё фанини ўқитиш услуби», «Физика», «Иқтисодиёт», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Электроника ва асбобсозлик» ва бошқа таълим йўналишлари шулар жумласидандир.

Абитуриентларнинг билим даражасини аниқлашда (3,1 балл даражасида баҳоланади) мутахассислик бўйича фанлар ролини тубдан ошириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилишда тест синовларига киритилган фанлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

■ Матбуот анжумани

Президентимизнинг 2012 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ва Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг биринчи конференциясида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Фермерга кўмакдош

Унда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раҳбар ва масъул ходимлари, «Ўзагромашлизинг» компанияси, ОАТБ «Агробанк», «Ўзагромашсервис» уюшмалари, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар вакиллари, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг вилоят кенгашлари раислари иштирок этди.

Таъкидландики, фермер хўжаликлари қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш ҳамда қайта ишлашга йўналтирилган кичик корхоналар ташкил этишга катта ҳисса қўшаётир. Ўтган йили Кенгаш зиммасига мавжуд 66 мингдан ортиқ фермер хўжалиги негизида 17 мингдан зиёд кенг тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш вазифаси юклатилган эди. Вазифа уддаланди. Натижада, қишлоқ жойларда 91 мингта янги иш ўрни яратилди. 389 фермер хўжалигида гўшт, 160 тасида сут, 125 хўжаликда мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари ҳамда 7176 та сервис хизматлари ишга туширилди. 1525 фермер хўжалигида қорамолчилик, 679 тасида паррандачилик, 711 хўжаликда балиқчилик, шунингдек, 695 тасида асаларичилик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 1811 фермер хўжаликнинг 8 минг гектар майдонида интенсив ва маҳаллий боғлар, 999 хўжаликда 4,5 минг гектар токзорлар барпо этилди. Айни пайтда 73 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари негизида 28 мингдан зиёд кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати бу фермер хўжаликлари олдида турган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда дунё тажрибаларини ўрганишда кўмаклашувчи Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда ҳудудий ва туман фермерлар кенгашларини тузиш ҳақидаги таклифларнинг қўллаб қувватланганидир. Ҳозирги кунда жами 13 та ҳудудий, 156 та туман кенгашлари кенг фаолият юритиб, улар ўз сафига жамоатчилик асосида 1736 нафар илғор фермер хўжаликлари раҳбарларини жипслаштирган.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Семинар

Номоддий мерос – маънавий бойлик

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Номоддий маданий мерос ёшлар талқинида» мавзуида илмий семинар ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, халқ оғзаки ижоди намуналари, ижрочилик санъати, урф-одат, маросим ва байрамлар, ҳунармандчиликка оид билим ва кўникмалар юзасидан тадқиқотларни кучайтириш, бу жараёнга ёш олимларни жалб этиш, номоддий маданий мерос тарихи моҳиятини очиб берувчи қадимий қўлёзмаларни ўрганиш, фолклор ижрочилиги сақланиб қолган ҳудудларга экспедициялар уюштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан номоддий маданий мерос тарғиботи билан боғлиқ ижодий фестивалларни ўтказиш яхши анъанага айланган. Олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълим муассасаларида «Мерос», «Барҳаёт анъаналар» каби кўрик-танловларнинг доимий ташкил этилаётгани ёшларнинг миллий меросимизга оид билимини бойитишга хизмат қилаётир.

— Миллий мусиқа санъатимиз, жумладан, мақом бебаҳо маънавий хазина ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг халқ ижодиёти факултети талабаси Ваҳобжон Ўрозматов. — Мақомнинг инсон саломатлиги, руҳиятига таъсири юзасидан изланиш олиб боряпман. Масалан, «Ушшоқ», «Наво» каби оҳанглар кишида ирода, қатъият, шижоатни кучайтирса, «Рост», «Ироқ» тингловчи қалбига ҳузур бағишлайди. «Бузрук», «Ровий» мақомлари руҳий сокинликка, мушоҳадага ундайди. Зеро, мумтоз тароналарнинг саломатликка ижобий таъсири шифокорлар, мусиқашунослар ҳамда психологлар томонидан кўп бора эътироф этилган.

Анжуманда номоддий маданий меросни ёшлар томонидан ўзлаштирилиши билан боғлиқ лойиҳаларда халқаро ҳамкорлик, унинг таълим даргоҳларида ўрганилиши хусусида фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Дилрабо БОЙҚОБИЛОВА

Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослашган умумтаълим мактабида Соғлом бола йили ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тадбир ташкил этилди. Унда туман ҳокимияти, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган уруш фахрийси Раҳматулла Атаханов суронли қирқинчи йиллар одамлар бошига солган кулфатлари ҳақида гапириб, Истиқлолимиз, бугунги дориламон кунлар, тинчлик нақадар улуғ неъмат эканлигини таъкидлади. Мактабда ташкил этилган «Жасорат» ватанпарвар тўгараги вакиллари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

янгиликлар

Мухтасар айтганда, таълим йўналишлари таҳлил этилиб, 43 таълим йўналиши бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар, жумладан, 22 йўналиш бўйича мутахассисликка оид фанлар қайта кўриб чиқилди. «Геофизика», «Кончилик иши», «Нефт ва газ конларига ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиш», «Электротехника, электромеханика ва электр технологиялари» (соҳалар бўйича), «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» (соҳалар бўйича) ва бошқалар шундай фанлар жумласига киради.

Жорий этилаётган мазкур янгиликлар абитуриентлар билим даражасини холисона баҳолашда мутахассисликка оид фанларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

— Тест синовлари тизимига яна қандай қўшимча фанлар киритилади?

— Маълумки, чет тиллар шахсни шакллантириш ва унинг билим даражасини оширишда муҳим ўрин тутади, глобал ахборот маконида ҳар томонлама билим олиш, бошқа мамлакатларнинг маънавий бойликлари, илмий салоҳиятидан бохабар бўлишга ёрдам беради, бошқа халқлар вакиллари билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини яратади.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Унга биноан бу йил тест синовлари тизимига 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари жорий этилаётир. Шундай қилиб, чет тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 дан 59 тага етди.

Булар «Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси» (транспорт турлари бўйича), «Радиоэлектрон ускуналар ва тизимлар» (соҳалар бўйича), «Телекоммуникация», «Информатика ва ахборот технологиялари» (соҳалар бўйича), «Ахборот хавфсизлиги» (соҳалар бўйича), «Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти» (соҳалар бўйича), «Энергетика», «Автомобил ва тракторсозлик» ва бошқа йўналишлардир.

Яна шуни қайд этиш керакки, жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирматага кўпайтирилди. Булар, масалан, «Механика», «Геофизика», «Кончилик иши», «Нефт, газ ва кимё саноати технологияси», «Электротехника, электромеханика, электр технологиялари» йўналишларидир.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони ўн саккиздан йигирма биттага кўпайди. «Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилик», «Зоотехника» (турлар бўйича), «Ветеринария» ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Кириш имтиҳонлари тизимига жорий этилган ўзгартишлар тест саволларини тайёрлаш жараёнига қандай таъсир кўрсатади?

— 2014 йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга кирадиган абитуриентлар тест синовидан ўтказиладиган фанлар бўйича савол ҳамда топшириқлар рўйхати ҳам қайта кўриб чиқилди. Бунинг учун тест саволларини тузиш бўйича экспертлар гуруҳи таркибига олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг икки юзга яқин тажрибали ўқитувчиси, юқори малакали мутахассислар, илмий кадрлар жалб этилди.

Улар барча фанлар бўйича тест синовларига киритилган саволларни ўрганиб чиқди. Бунда абитуриентларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти, дунёқараши, тест синовлари ўтказиладиган фанларни қанчалик чуқур билишини аниқлашга қаратилган тест саволларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада амалга оширилган ишлар якуни бўйича замонавий талабларга мос, олий таълим муассасаларига ўқишга киришни истаган ёшларнинг билим даражасини холисона баҳолаш ва танлаш имконини берадиган ягона тест саволлари базаси шакллантирилди.

Олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибига киритилаётган ўзгартишлар ҳақидаги ахборот, информатика ва ахборот технологиялари бўйича тест саволлари ҳамда вазифалари дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест ўтказиладиган фанлар рўйхати ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ваколатли давлат органлари сайтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг сайти орқали абитуриентлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига етказилади.

ЎзА мухбири
Меҳрибон МАМЕТОВА
суҳбатлашди.

Реклама ва эълонлар

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали «Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия» иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2014 йил 10 июн куни соат 14-00да ўтказилиши белгиланган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти худудий бошқармасининг 2014 йил 5 майдаги 126/ас, 127/ас, ва 128/ас-сонли буйруқларига асосан Наманган вилояти Норин тумани ҳокимлиги балансидаги қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Норин тумани Учтепа ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 82,17 кв.метр, қурилиш ости майдони 82,17 кв.метр, фойдали майдони 138,6 кв.метрдан иборат, 2 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, асосий хоналар сони 3 тадан иборат «Чўжа» амбулаторияси бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 48 746 358 (Қирқ саккиз миллион етти юз қирқ олти минг уч юз эллик саккиз) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори —10 000 000 (Ўн миллион) сўм.

2. Норин тумани Пахтақишлоқ ҚФЙ Шаҳидмозор МФЙда жойлашган, умумий ер майдони 279,5 кв.м, қурилиш ости майдони 85,12 кв.м, фойдали майдони 64,35 кв.м.дан иборат, 1 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, асосий хоналар сони 4 тадан иборат 1-сон «Шаҳидмозор» ФАП бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси – 29 691 746 (Йигирма тўққиз миллион олти юз тўқсон бир минг етти юз қирқ олти) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 5 000 000 (Беш миллион) сўм.

3. Норин тумани Пахтақишлоқ ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 421,87 кв. метр, қурилиш ости майдони 205,31 кв.метр, фойдали майдони 159.67кв.м.дан иборат, 1 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, асосий хоналар сони 8 тадан иборат «15-сон мактаб» филиали бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси – 49 522 657 (Қирқ тўққиз миллион беш юз йигирма икки минг олти юз эллик етти) сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 10 000 000 (Ўн миллион) сўм.

Юқоридаги савдо объектлари 2014 йил 10 июн куни сотилмаган тақдирда 17, 24 июн ва 1 июл кунлари соат 14-00да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран киритилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10-00 дан 17-00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2014 йил 9 июн куни соат 14-00да, (такрорий савдолар учун мос равишда 16, 23, 30 июн кунлари соат 14-00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг закалат пулини «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302681189, 20208000800250595002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: «VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали.

Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси) Телефон: (8 369) 227-19-07. e-mail: *info@realtors.uz*, вебсайт: *www.realtors.uz* Лицензия: RR-0173.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Навоий вилоят молия бошқармасининг 2014 йил 7 майдаги 01-08-03-644-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳар Ғалаба шоҳ кўчаси, 226-уйда сақланаётган, капитал таъмирталаб, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 284 LAA бўлган, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 7 297 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 12 июн куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 11 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 12 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 19 июн куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2014 йил 18 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси «Dori-Darmon» Акциядорлик компанияси Бошқарувининг 2013 йил 29 ноябрдаги № 42-сонли йиғилиш баённомасига асосан, «Surxon Dori-Darmon» масъулияти чекланган жамиятининг 30.04.2014 йилдаги № 179/ДТ-сонли хатига асосан, «Surxon Dori-Darmon» масъулияти чекланган жамиятига тегишли, Термиз шаҳар Султон Саодат кўчаси, 119-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда;

1. ГБАСНГЗИЛ 441510 русумли, д/р 75 029 JAA бўлган, 1990 й и/ч техник носоз ҳолатдаги автомашина.

Бошланғич баҳоси — 5 199 168 сўм.

2. ОДАЗ 39771 русумли, д/р 75 12 14 АА бўлган, 1990 й и/ч техник носоз ҳолатдаги тиркама.

Бошланғич баҳоси — 3 634 998 сўм.

3. УАЗ 3962 русумли, д/р 19 АВ 870 бўлган, 1986 й и/ч техник носоз ҳолатдаги автомашина.

Бошланғич баҳоси — 2 350 000 сўм.

4. Т-40 М русумли, д/р 59-90 НБ бўлган, 1986 й и/ч техник носоз ҳолатдаги автомашина.

Бошланғич баҳоси — 2 729 027 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 11 июн куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк 2014 йил 11 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 18 июн, 2014 йил 25 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 11 июн учун 2014 йил 10 июн, 2014 йил 18 июн куни учун 2014 йил 17 июн куни, 2014 йил 25 июн учун 2014 йил 24 июн куни соат 18:00 да.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. *25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.*

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади!

I. 2014 йил 3 июн куни соат 11-00 да Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган такрорий аукцион савдоларга корхона ҳисобидаги Бошланғич баҳоси 710 000 сўм бўлган 1989 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 80/031DAA, РАФ 2203101 русумли махсус (санитар) автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

II. 2014 йил 10 июн куни соат 11-00 да Бухоро вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган такрорий аукцион савдоларга бошқарма ҳисобидаги Бошланғич баҳоси 2 170 000 сум бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 689AO20, Тойота русумли микроавтобус транспорт воситаси қўйилмоқда.

III. 2014 йил 10 июн куни соат 12-00 да Ғиждувон туман «Чағдари техникаси» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги муқобил машина трактор парки билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга корхона ҳисобидаги қуйидаги қишлоқ хўжалик техника воситалари қўйилмоқда:

№	Транспорт воситаси русуми тури	И/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич Баҳоси
1	Комбайн Енисей-1200	2005	рақамсиз	8 000 000
2	Т-150 К трактор	1991	34-79 БГ	3 000 000
3	ВТ-150 трактор	2005	рақамсиз	5 000 000
4	МТЗ-80 трактор	1988	36-40 БВ	1 300 000
5	МТЗ-80 трактор	1987	30-42 БВ	1 300 000
6	ТТЗ-100 трактор	1998	35-90 БГ	1 800 000
7	ТТЗ-100 трактор	1999	35-91 БГ	1 800 000

№	Транспорт воситаси русуми тури	И/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич Баҳоси
8	Т-28х4 трактор	1987	рақамсиз	500 000
9	Т-28х4 трактор	1985	35-98 БГ	500 000
10	Сварка аппарати САГ	1984	рақамсиз	300 000
11	БКВ-385 тиркама	1991	рақамсиз	1 700 000
12	Т-28х4 трактор	1986	рақамсиз	1 000 000
13	Чизел ЧКУ-4	1980		300 000

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.
Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили буйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».
Манзили: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават). Тел: 8 365 221-59-24.
E-mail: *kmss.res@mail.ru*, гувоҳнома № 006263.

Касаба сайр

Юрган дарё, ўтирган бўйра, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, сайру саёҳат инсон руҳиятига қувват бағишлайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Касаба сайр» шўъба корхонасининг фаолият бошлагани меҳнаткашлар учун айни муддао бўлди.

Гул диёр бу, гулшан диёр бу

— Илгари ҳам кўп сайрларда бўлганмиз. Лекин бу гал чинакам ҳордиқ чиқариб, руҳий-маънавий озуқа олдик, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан уюштирилган саёҳатдан қайтган Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Эрмамат Нурметов.

Ушбу саёҳатдан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг маънавиятини янада юксалтириш ва юртимиздаги тарихий обидалар, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таништириш каби мақсадлар кўзланган эди. «Касаба сайр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда ушбу истаклар амалда ўз исботини топди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг «Касаба уюшмалари ташкилотларида туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги 2014 йил 24 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни белгиладик, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Сапарбоев. — «Урганч-Самарқанд-Нурота-Бухоро-Урганч» йўналиши бўйича амалга оширилган саёҳат тадбирларимизнинг дебочасидир.

Саёҳатчилар шарқ гавҳари — Самарқанд гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, аждодлар закосига, қудратига яна бир карра таҳсин айтдилар. Истиқлол йилларида қад ростлаган кўркам ва улуғвор иншоотлар бу юртда аждодларга муносиб ворислар умргузаронлик қилаётганидан далолатдир.

Нуротанинг зилол сувидан сипқориб, Бухоронинг бетакрор ва мафтункор кўчаларида сайр қилган касаба уюшма аъзолари ўз таассуротларини бир-бирлари билан ўртоқлашаркан, яна бир бор тинч ва осуда ҳаётга шукрона келтирдилар. Замонавий меҳмонхоналарда энг юқори шароитларда кўрсатилган хизматлардан баҳраманд бўлишди.

— Юртимиз кун сайин чирой очмоқда. Ҳар бир гўшаси жаннатга монанд диёримизнинг шаҳру қишлоқларига боқиб тўймайсан. Истиқлол туфайли қадимий шаҳарларимиз навқиронлик касб этди. Саёҳат давомида юртимиз ҳусн-тароватини ҳайрат билан кузатаётган кўплаб чет эллик сайёҳларга дуч келдик. Бу эса ғуруримизни жўштирди, — дейди «Туямўйин-Урганч» бошқармаси ходими Зулфия Ибодуллаева.

Диёримизнинг ҳар бурчи гулдан, гўзалликдан либос кийган. Улардан руҳий, маънавий, жисмоний қувват олган касаба уюшма аъзолари олам-олам таассуротлар билан ортга қайтдилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Хотира уйғонса, гўзалдир

«Севаман дунёни дунёлигича...»

Дарвештабиат, мусаффо қалб соҳиби Тилак Жўра қирқ етти йилгина умр кўрди. У ўзининг дилбар шеърлари, қалбларга олов туташтирадиган маърузалари билан ёш авлоднинг руҳий такомилига, адабий-ижтимоий тарбиясига катта таъсир кўрсатди. Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик руҳидаги шеърлари билан халқнинг кўнглидан жой эгаллади.

Унинг «Райҳон» (1977 й.), «Олам остонаси (1980 й.), «Юлдузлар табассуми» (1981 й.), «Чорраҳадаги уй» (1983 й.), «Сандувоч» (1988 й.), «Руҳият» (1990 й.), «Сайланма» (2011 й.) шеърий китоблари, турк, озар, арман, француз, тожик, уйғур, туркман шеъриятидан қилган таржималари, «Ҳозирги турк шеърияти», «Нозим Ҳикмат ва Ўзбекистон» сингари илмий асарлари чоп этилган.

Севаман:
Ўзимнинг ўзлигимни,
қора кўзлигимни,
Яна не кўзлигимни...
Булутларнинг қутблигини,
Хаёлларнинг сукутлигини.
Хуллас калом, мен
Офтобдай нурланиб,
Бир куртакдай сояланиб
Севаман дунёни дунёлигича.

Дилбар шоир дунёни асл ҳолатда кўришни истади. Ва яна у «Бағримга оламан, бағримни бераман унга», дея қалбига Ватан муҳаббати ва ифтихорини солиб яшади. У ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир даъваткор сўзи билан халқи ва Ватанининг фидойи фарзанди сифатида бўй кўрсатди, миллат ва юртни шарафлашга чорлаб ўтди.

У ҳамиша шеър дарди билан нафас олди. Унинг ўз даврида шов-шув бўлган тўрт қаторгина «Машраб» шеъри ижодий жасорат намунасига айланган эди. Тўртликда Машраб сиймоси феъл-атвори ва бутун ижодининг моҳияти зуҳурланган ҳолда гавдалантирилган:

Кўкка қараб қўлин силтади,
Ерга қараб силкди этагин.
Иккисин ҳам кўзга беркитди,
Дунё деб у билди юрагин...

Тилак Жўра «Она нияти» шеърида она тилидан, ҳақиқий ЎЗБЕК онаси тилидан фарзандига, буюк ишларни кўзлаб сафарга отланган дилбандига қарата шундай ўтли сатрларни қоғозга тўкади:

От чоптириб чиқдинг уйингдан,
От чоптириб қайттин, илоҳим!
Қўлингдаги жиловинг каби
Эркинг бўлсин ўзингда доим.
Майли, мени ўйлама, болам,
Топганингни сарф қил ўзингга.
Лек бировга бўлмагин қарам,
Нам тегмасин сира тизингга.

Улғайтирдим полвоним дея,
Толиққанда дармоним дея.
Шамол каби елиб борасан,
Олисдаги осмоним дея.

Осмонингни олиб қайт, болам,
Қолиб кетма осмон васлида.
Отанг қурган бу кичик ҳужра
Осмондан ҳам кенгдир, аслида.
От чоптириб чиқдинг уйингдан,
От чоптириб қайтгин, илоҳим!
Қўлингдаги жиловинг каби
Эркинг бўлсин ўзингда доим.

...Тилак Жўра ҳақида китоблар ёзилмоқда, филмлар олинмоқда, ижоди ҳақида илмий ишлар қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, Тилак Жўра орамиздан кетгани йўқ, у биз билан ҳамиша бирга.

Қуйида шоир битган шеърлардан бирини қўлёзма ҳолида эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳуррият балки шеъриятдир.
Истаганча сайраб кулмоқ.
Агар
Лабларинг чайир,
Тилларинг бут бўлса.
Албатта,
Шеъриятдан-ҳуррият бўлар,
Ҳатто
Тамоғинг қирилиб
Инчрасанг ҳам...

Мустақиллик ҳар бир юртдошимиз ҳаётига янгича мазмун олиб кирди. Айниқса, биз, кексаларга ўзгача ҳурмат, эҳтиром кўрсатилмоқда. Дориламон кунларга шукрона келтириб, фарзандларимиз бахтидан сарафрозмиз.

САРАФРОЗ ТУЙҒУЛАР

Начора, бизнинг авлод чекига синовли кунлар тушди. Бутун дунёни ўз домига тортган уруш балоси халқимиз бошига не қулфатларни келтириб, ҳар бир хонадонда ўз доғини қолдирди. Ана шу суронлар ичида ёшлигимиз қандай ўтганини ҳам билмай қолибмиз.

Ҳозирда тўқсон уч ёшни қаршилаяпман. Юртимиздаги ўзгаришларни кўриб, кўнглим кундан-кунга яшаради. Шаҳар-у қишлоқларимиздаги ободлик, улкан бунёдкорликдан масрурмиз. Бозорларимиз тўкин, рўзғоримиз бут.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Президентимиз уруш фахрийларини моддий рағбатлантирди. Касаба уюшмаларининг ҳам молиявий кўмагини олдик. Бундан ташқари, каттақўрғонлик уч нафар уруш фахрийсига касаба уюшмалари томонидан Нуробод туманида жойлашган Ибн Сино номли сиҳатгоҳда саломатлигимизни тиклаш имконияти яратиб берилди. Умуман, эътиборда эканимиздан беҳад қувондик.

Рашид ОЧИЛОВ,
Иккинчи жаҳон уруши фахрийси

Истиқлол ғунчалари

Самарқанд шаҳридаги Асрор Жўраев номли болалар қўғирчоқ театрида «Истиқлол ғунчалари» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудий босқичларнинг йўналишлар бўйича 130 нафардан ортиқ ғолиби иштирок этди.

Оҳанглар сеҳри

Улардан бири Ургут туман Мўминобод маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоаси қатнашчиси Азиза Зиёдуллаевадир. У қатор йиллардан буён най чалишни машқ қилади. Ёш созанда ижросидаги мумтоз куйлар барчани сел қилиб юборган бўлса, эндигина етти ёшга тўлган пахтачилик Жавоҳир Абдурашидов эса «Ватан» қўшиғи орқали юрт мадҳини тараннум этди.

— Танлов ўсиб келаётган истеъдодли ёшлар ижодига назар ташлаш имконини берди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдусаидов. — Тадбир иштирокчиларининг ҳар бири муносиб тақдирланди.

Танловда муваффақиятли иштирок этган Булунғур туманининг «Булунғур» дастаси жамоа рақси ижрочилиги йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди. Ансамбл чолғу ижрочилиги йўналишида Пахтачи туман дуторчилар ансамбли, якка чолғу ижрочилигида ургутлик Азиза Зиёдуллаева, эстрада қўшиқчилиги йўналишида пахтачилик Жавоҳир Абдурашидов, анъанавий ижрочилик йўналишида каттақўрғонлик Ҳусанжон Саидов ғолиб деб топилди.

Ғолиблар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланиб, Қашқадарё вилоятида бўладиган республика босқичининг ҳудудий бахсида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Талқин

Сабот, матонат, ирода тимсоли

Мотамсаро она ҳайкали Хотира майдони ҳамда Мангу олов ила яхлит композицияни ташкил қилади. Ҳайкал ғоявий жиҳатдан етуклиги билан бошқа асарлардан яққол ажралиб туради. Ҳайкалга қараган инсон қалби уруш даҳшатидан қалқиб тушади. Мотамсаро она кўзлари ёшга тўлган, у йиғламайди, балки ўз ҳолати билан одамларни ўйлатади, урушнинг минг-минглаб инсонлар ёстиғини қуритган даҳшатини ҳис қилдира олади.

Мотамсаро она ҳайкали тарихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру зулмларни, қирғин-қатағонларни бошдан кечирган, айни пайтда, ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун тинимсиз курашган она-Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир. Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. Уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, бугунги ёруғ ва дориламон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади, — деган эди Юртбошимиз.

Ҳайкалда фарзандидан айрилган она, бир умр жигаргўшасини кутиб, унинг ҳақига дуода бўлган аёл изтироблари ифода этилади. Ушбу асар тугал композицион ечимга эга. Бир нуқтага тикилган кўйи фарзанди билан кечирган шодон кунлари кўз олдидан ўтаётган, энди уни ҳеч қачон кўролмаса-да, башарият саодати учун курашган ўғли хотирасини мангуга муҳрлаган она қиёфаси маҳорат билан гавдалантирилган.

Ҳайкал муаллифи мустақиллик йиллари Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлиги ривожига ўзининг беқиёс асарлари билан катта ҳисса қўшган атоқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборовдир. Унинг таъкидлашича, мазкур асарида ўзбек онасининг сабр-тоқати, чидам ва матонати, меҳр-муҳаббатини тасвирлаган. Ижодкор томонидан мавзу ва ғояни таъсирчан ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда томошабинни ларзага соладиган даражада асар ярата олинганлиги эътирофга сазовордир.

Илҳом Жабборов Мотамсаро она ҳайкалини Навоий, Бухоро, Қарши, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам яратиб, унда бу вилоят аёллари — оналарининг типик қиёфаларидан кенг фойдаланган. Ушбу ҳайкалларни ҳар куни минглаб юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар кўради, ҳайратланиш баробарида ўзбек оналари ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди.

Ишончимиз комилки, Мотамсаро она ҳайкали санъаткор ижодининг энг етук меваларидан бўлиб, ўзбек ҳайкалтарошлик санъатини жаҳонга танитишда муҳим аҳамият касб этади.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,
ЎзМУ санъатшунослик йўналиши талабаси

Реклама ўрнида

"Агробанк" ОАТБ жамоаси барча юртдошларимизни 9-май "Хотира ва қадрлаш" куни муносабати билан самимий муборакбод этган ҳолда "Фаровонлик" пул-буюм ютуқли, тиражли лотереясини тақдим этади

AGROBANK

"ФАРОВОНЛИК" - ОМАДИНГИЗ КАЛИТИДИР

2014 йил 20-21 декабр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг

БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛДА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН
8-371-273-03-04
WWW.AGROBANK.UZ

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ НАРХИ - 5000 СЎМ

Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин. Пул ютуқлари филиалларда, маиший техникалар ҳудудий бошкармаларда, автомашина ва тракторлар марказий аппарат орқали билет тақдим этилгандан сўнг 1 ой давомида берилади

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари

Қорақалпоғистон Республикаси 8-361-222-16-77	Қашқадарё вилояти 8-375-771-15-60	Сурхондарё вилояти 8-376-770-81-48
Андижон вилояти 8-374-228-46-20	Наманган вилояти 8-369-223-19-32	Сирдарё вилояти 8-367-221-01-50
Бухоро вилояти 8-365-223-85-53	Навоий вилояти 8-436-770-35-49	Фарғона вилояти 8-373-244-08-41
Жиззах вилояти 8-372-226-25-33	Самарқанд вилояти 8-366-210-02-46	Хоразм вилояти 8-362-770-57-00

Лотерея билетларини баҳоғатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.00
Topshirildi - 20.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 2345